# I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йил январь-март ойларида Бухоро вилоятининг ишлаб чиқарилган ялпи худудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) нинг ҳажми 5 740,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2020 йилнинг январь-марти билан таққослаганда ўзгаришсиз қолди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМнинг шаклланишида Бухоро вилоятининг қўшган ҳиссаси 4,5 фоизга етди.



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари**

| | | *Млрд. сўм* | | *2020 йил январь-мартга нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|---|
| | | *2020 йил январь-март* | *2021 йил январь-март* | |
| | **I. ЯҲМ** | **5 151,4** | **5 740,9** | **100,0** |
| | *шужумладан:* | | | |
|  | Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 4 848,7 | 5 512,5 | 100,2 |
|  | Маҳсулотларга соф солиқлар | 302,7 | 228,4 | 96,8 |
| | **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **4 848,7** | **5 512,5** | **100,2** |
|  | **Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги** | **1 249,8** | **1 527,9** | **103,5** |
| | **Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)** | **1 660,0** | **1 777,2** | **94,3** |
|  | саноат | 1 229,7 | 1 219,8 | 87,1 |
|  | қурилиш | 430,3 | 557,4 | 114,9 |
| | **Хизматлар** | **1 938,9** | **2 207,4** | **103,0** |
| | савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 499,4 | 580,1 | 103,8 |

| | | *Млрд. сўм* | | *2020 йил январь-мартга нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|---|
| | | *2020 йил январь-март* | *2021 йил январь-март* | |
|  | ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 366,7 | 428,0 | 104,3 |
|  | бошқа хизмат тармоқлари | 1 072,8 | 1 199,3 | 102,2 |

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2 944,8 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 фоизга камайган.



**Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва мутлақ ўсиш суръатлари**



| 2020 йил | 2021 йил | |
|---|---|---|
| **2 673,8** | **2 944,8** | **Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми** (*минг сўм*) |
| **2,9** | **-1,2** | **Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ўсиш суръатлари** (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да*) |

Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,0 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 4,0 фоизини ташкил этди.

Ҳисобот даврида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 27,7 фоизни, саноат тармоғининг улуши 22,1 фоизни, қурилиш соҳасида 10,1 фоизни ва хизматлар соҳаси 40,1 фоизни ташкил қилди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби *(жамига нисбатан % да)*

| | 2020 йил | 2021 йил |
|---|---|---|
| **I. ЯҲМ** | **100,0** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 94,1 | 96,0 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 5,9 | 4,0 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **100,0** | **100,0** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | **25,8** | **27,7** |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | **34,3** | **32,2** |
| саноат | 25,4 | 22,1 |
| қурилиш | 8,9 | 10,1 |
| **Хизматлар** | **39,9** | **40,1** |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 10,3 | 10,5 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 7,6 | 7,8 |
| бошқа хизмат тармоқлари | 22,0 | 21,8 |

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби
*(жамига нисбатан % да)*

### 2020- йил




### 2021- йил



ЯҲМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,5 фоиз (ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 27,7 фоиз), саноатда 87,1 фоиз (22,1 фоиз), қурилишда 114,9 фоиз (10,1 фоиз), хизматлар соҳасида 103,0 фоизни (40,1 фоиз) ташкил этди.

**ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**
*(ўтган йилга нисбатан % да)*






2021 йил январь-мартга ЯҲМ дефлятори индекси 2020 йил январь-мартдаги нархларга нисбатан 111,5 фоизни ташкил этди. ЯҲМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 118,1 фоиз ва саноатда 113,8 фоиз қайд этилди.

## ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси
*(ўтган йилга нисбатан % да)*




## Январь-март ойларида ЯҲМда кичик бизнеснинг улуши
*(жамига нисбатан % да)*




2021 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 66,4 фоизни ташкил қилди (2020 йил январь - март 64,1 фоиз).

ЯҲМнинг ўтган йилнинг мос даврида нисбатан ўсиши йирик корхоналар улушининг камайиши билан изоҳланади.